

ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИ ЎРГАНИЛДИ



Дастлаб масъуллар туманнинг “Тароқли” маҳалласи ҳудудида жойлашган ҳунармандчилик маркази, ёшлар саноат зонаси, шунингдек туман ҳокими З.Давлатов ва сектор раҳбарлари ташаббуси билан ташкил этилган Маҳалла хайрия жамоат фонди қошидаги инкубатор, қолаверса, полиэтилен қоп, турли қоғозлар ишлаб чиқаришга мосланган “Муштар Стар Инвест” МЧЖ, шу қаторда “Қўрғон” маҳалласидаги хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича фаолият йўлга қўйган “Заробод-Қувонч” оилавий корхонаси фаолиятини кўздан кечиришди.